


21

ҲИКОЯД
КУТУБХОНАСИ



Ярослав Йашек
Ёвзон мира

67754, 755

67753.

~~Д~~рослав Гашек

оо
Есоди
жардам

ҲИКОЯЛАР

07

СБИБЛИОТЕКА КГПИ

Мар. № 67253

150

ЎзССР Давлат бадиий
адабиёт нацириёти
Тошкент 1963

Улуғ чех ёзувчиси Ярослав Гашекнинг бу тўпламига «Муҳтоҷ адибларга нафақа», «Австрия божхонаси», «Қуролсизланиш конференцияси», «Чўчқа боласи Ксаврик воқеаси», «Ёвғон шўрва» ва «Турмушдан намуна» ҳикоялари киритилган. Ёзувчи бу асарларида ҳукмрон синф вакилларининг месннаткаш оммага ўтказаётган зулми, юлғиҷлиги, очкўзлиги, фирибгарлиги, калтафаҳмлиги ва бошқа ярамас иллатларини аёвсиз фош қўлади. Ёзувчининг ҳар бир асарида ўткир сатира равshan кўзга ташланади.

Русчадан
С о б и р Ю н у с о в
таржимаси

Гашек Ярослав.
Ёвғон шўрва. Ҳикоялар Т., Узадабийнашр, 1963.
40. бет. Тиражи 15 000.

Гашек Ярослав. Суп для бедных детей. Рассказы.

И(Чехосл.)



МУҲТОЖ АДИБЛАРГА НАФАҚА

Карел Яролимек тузуккина, анча номи чиққан ёзувчи эди. Шунинг учун ҳам ноширлар унинг асарларини муттасил чиқаришар, пулидан юлқиб қолишар эди. Янги ҳикоялар тўплами чиқиб, Яролимек қалам ҳақи олгани келганида ношир оғзига келганини қайтармай уни сўкар, эй худо-йим-ей, шундай расво нарсани нега нашр қила қолдим-а, дер эди.

Яролимек ҳикояларида хушбўй таратувчи ўтлоқларни, сокин ўрмонлар устидаги мовий осмонни, кечки жимликда қуёшнинг ботишини (кўлда турли бўёқларнинг акс этишини) ва қушлар на-восининг тинишини тасвиirlарди. Карел Яролимек кечқурун дудланган сосиска олишга етадиган пул топиш учунгина шунақа қизиқ-қизиқ нарсаларни ёзарди. Яролимек ижод қилаётганида сатрларни санаб борар, шунинг учун ҳам шоирона ва узундан-узоқ ёзарди. У даладаги барча гулларни бир-бир санаб ўтарди, қаҳрамонининг тепасидан учиб ўтган чумчуқнинг таърифини роса келтиради, агар сатрига пул тўланадиган бўлса, диалогларни кўпайтиради. У тақводордек хотиржамлик билан бундай деб ёзарди:

«... Оскар айтадиган гапини олдиндан биларди:

- Ҳа. Сиз ҳам шундай фикрда эмасмисиз?
- Йўқ.
- Нима учун!
- Шунинг учун!
- Нега энди, Эмилия?»

Кейин Яролимек ҳисоблаб чиқарди. «Беш йўли беш геллердан (унга ҳеч ким бундан ортиқ тўламасди), бу роса бир жуфт сосискага етади. Агар яна бир геллер қўшилса, бир шиша пльзен виноси келади».

Карел Яролимекнинг ҳаёти ноширлар ва редакторлар билан курашда ўтарди, хиralик қилавериб, улардан аванс ундиради.

Кунлардан бир кун у кафеда газета ўқиб, хаёлчанлик билан сочсиз бошини силаб ўтиради. Газетада маориф министрлиги ёзувчиларга давлат нафақа фонди таъсис этганини ўқиб қолди. Бу фикр кўнгилчан маориф министрининг калласидан чиқибди-я. У молия министри билан маслаҳатлашиб:

— Уларга шу садақани берайлик, жиғилдонига ура қолсин,— деди.

«Уларга» дегани — ёзувчиларга, қоғозбозларга, гушналарга дегани эди.

Яролимек кўп ўйлаб ўтирмай, нафақа сўраб илтимоснома ёзди, унга ўзининг ёзувчи эканлигини тасдиқловчи қоғозни илова қилди. Илтимосномада, агар тез орада ёрдам кўрсатилса, ҳукмдорларнинг ишончини одамшавандалиги билан оқлашга ҳаракат қилишини айтиб ўтди.

Ўша куни кечқурун у кафега ҳам бормади, кейин икки ҳафтағача, тўсатдан қўлга кирадиган бойликини қандай сарфлашни ўйлаб юрди. Келгуси баҳтли ҳаётини кўз олдига ғира-шира келти-

паркан, оёқ кийимини яматиб олишни ҳам кўнглига туғиб қўйди. Австрия ҳукумати чех ёзувчининг этигини яматиб олишига маблағ берса-я! Бу ҳимматдан юраклар сув-сув бўлиб кетади-я!

Ҳафталар ва ойлар ўтди. Бешинчи ойнинг охирiga келиб ёзувчи бир оз асабийлаша бошлади. Бир йил ўтганида Карел Яролимек илтимосномасини эслаб, заҳархандалик билан кулиб қўядиган бўлди. Буюртма хатга 25 геллер сарфлаганини у бир оз эсидан чиқарди. Бунга 5 геллердан 5 сатрга тегадиган қалам ҳақи кетди:

«— Оскар!

— Нима?

— Ҳеч гапдан хабаринг борми?

— Йўқ, Ольга.

— Яқинда билиб оласан, Оскар!»

Яна бир йил ўтди, тўсатдан Карел Яролимекни полиция участкасига чақириб қолишиди. «Ҳеч қандай гуноҳим йўқ»,—деб у повесткани оловга ташлади. Бир оз вақтдан кейин яна повестка келди. Уни оддий кийинган полициячи олиб келди, кейин Яролимекка маълум бўлишича, у швейцарга:

— Нима гаплигини билмадим-ку, лекин бу нусхадан кўз-қулоқ бўлиб туринг,—дебди.

— Хотиржам бўлинг,—деб жавоб қилибди швейцар.

Бу повестка ҳам печкага ташланди. Ана шундан кейин кўнгилсиз воқеалар бошланди. Яролимек кечаси соат учга яқин уйига қайтиб, ўринга ётди. Эрталаб соат бешда эшик қаттиқ тақиллади:

— Қонун ҳурмати, эшикни очинг!—деган овозни эшитди ёзувчи уйқу аралаш.

У қўрқиб кетганидан, иштончанг эшикка югрди. Хонага икки полициячи бостириб кирди.

— Сизни олиб кетиш буюрилган. Карел Яролимек сиз бўласизми?

— Ҳа, биз бўламиз.

— Бу бемаънилигингизни қўйинг. Сизни жаноби маслаҳатчининг олдига олиб боришимиз керак, у сизни кўпдан бери кўрмоқчи эди. Қани, тезроқ ясанинг, бўлмаса шимингизни ўзимиз кийгизиб қўямиз.

— Кечирасизлар, соат энди беш бўлди-ку, маслаҳатчи ишга келгани йўқ... иннайкейин, менинг ҳеч қанақа гуноҳим ҳам йўқ!

— Оҳ-воҳ бошланди! Овозингни ўчир, муттаҳам! Жаноби маслаҳатчи кеча вахмистрга сени олиб келишни топширдилар. Биз керакли одамни қандай топишни биламиз. Жиноятчини ётган жойида ушлаш керак. Соат саккизда келсанг, қушча инидан бирон ёққа учиб кетган бўлади!

Полициячилар унинг шляпасини бостириб кийгизиб, кўчага олиб чиқишли.

— Илтимос қиласман, ёқамдан тутманг!

— Тилингни тий!

— Мен арз қиласман!

— Сенга шикоятни кўрсатиб қўямиз...

Яролимекни участкага олиб келишиди. Вахмистр мудраб, трубка чекиб ўтиради. У қисқа, заҳрини сочиб сўроқ қилди:

— Ҳа-ҳа, Карел Яролимек сиз бўласизми? Ўша, чақирганимизда келмайдиган-а?

— Ҳа-а.

— Нима иш қиласиз?

— Ё-ё... ёзувчи.

— Нимани ёзасиз? Бисотларни рўйхатга оласизми?

Вахмистр каравотга ётиб эснади-да, буюрди:

— Ёнини тинтиб, авахтага ташлансин!

Яролимекнинг ёнини титкилаб, одиночкага

ташлашди. Калит шиқирлади, ёзувчи ёлғиз ўзи қолди. Лекин бу ёлғизлик узоқ давом этмади, бир неча минутдан сўнг унга қандала лашкар тортди.

Карел Яролимек чидаб туролмади. У катдаи сакраб тушди-да, қамоқхона эшигини жон аччиғида дукиллата бошлади.

— Мен Карел Яролимек бўламан, чиқариб юборинг!

— Шунинг учун ҳам бу ерда ўтирибсан-да,— деган овоз эшитилди,— агар жим бўлмасаңг, адабингни бериб қўямиз.

— «Карел Яролимекнинг саргузашти», «Карел Яролимекнинг бошдан кечирганлари», «Карел Яролимекнинг ҳалокати»,— дерди Карел Яролимек фифони ошиб, катда ётаркан.— «Карел Яролимекнинг мусибати», «Карел Яролимек қандай балога гирифтор бўлди...»

У янги ҳикоясининг номини ўйларди.

Шу орада сон-саноқсиз қандалалар ёзувчининг баданига ёпирилиб, ҳамма ёғини бирма-бир тинтиб чиқишли, бундан унинг териси ғудда-ғудда бўлиб кетди. У бир азобда тонг оттирди.

Соат саккиз яримда уни йўқлаб келишли. Ювиқсиз, бадани чақа, соchlари тўзиган ҳолда уни иккинчи қаватга олиб чиқишли.

— Сизнинг буйруғингизга биноан, жаноби маслаҳатчи, Карел Яролимекни олиб келдик.

Ёзувчи жуда гангид қолган эди.

— Марҳамат, ўтиринг,— деди кекса маслаҳатчи стулга ишора қилиб.

— Қўриқлаб турайликми?— деган эди полициячилардан бири, лекин жаноби маслаҳатчининг жиноятчи билан қўл бериб сўрашганини кўриб, иккалови ҳам оёқ учida юриб чиқиб кетди.

— Мен сизнинг, жаноби Яролимек, моддий аҳволингизни аниқлагани чақирирган эдим.

Йигирма йил олдин давлатдан нафақа сўраб, илтимоснома ёзган экансиз, шундай эмасми?

— Айбга буюрмайсиз, жаноби маслаҳатчи, йигирма йил эмас, икки йил олдин.

— Ҳа, ҳа, эсимга тушди. Йигирма йил олдин Часал деган бир жаноб илтимоснома ёзган экан. Афсуски, уни тополмадик. Лекин энциклопедиядан қидириб, унинг бундан тўққиз йил аввал вафот этганлигини аниқладик. Демак, сиз бошқа экансиз.

Маслаҳатчи рўпарасида турган ёқасиз, галстуксиз, ювиқсиз, юзлари солқиган, азоб чеккан Яролимекка ачиниб қаради.

— Ҳим, чиндан ҳам ҳолингиз тангга ўхшайди,— деди у.— Гап бундай. Сизнинг илтимосингизга биноан маориф министрлиги моддий шароитингизни аниқлаб беришни биздан илтимос қилган эди. Билишимча, бадавлатга ўхшамайсиз.

— Ҳақ гапни айтдингиз.

— Ёзувчиман денг? Демак, ижод қиласиз?

— Худди шундай, жаноби маслаҳатчи.

— Бўлмаса-чи, биламан, ҳатто асарларингизни ҳам ўқиганман. Мана шундай китобчалар, ажойиб қора ҳарфлар билан терилган. Яхши биламан. Сизнинг шахсий ҳужжатларингизни ҳам кўриб чиқдим. Судланмаган экансиз, бу — аҳволни анча енгиллаштиради... Яъни мен бу жуда яхши демоқчи эдим. Сиз камбағал бўлсангиз ҳам, касби-корингизга қарамай, дуруст одам экансиз. Кетишингиз мумкин.

* * *

Саккиз ҳафтадан кейин Карел Яролимек Венадаги муҳтоҷ адибларга нафақа фондидан бир юз йигирма крон пул олди. Оқибати яхшилик билан тугагани учун у жуда хурсанд эди.



АВСТРИЯ БОЖХОНАСИ

Қаёқдан ҳам бу кулфатга йўлиқдим-а! Дрезден атрофида сайр қилиб юрганимда поезд тагида қолдим. Шундай абжағим чиқиб кетдики, бир ярим йил касалхонада ётиб чиқдим! Мен Дрездендан Прагага тўрт кунда қайтаман, деб ўйлаган эдим, лекин саёҳатим бир ярим йилга чўзилиб кетди.

Ҳаммамиз ҳам худонинг ихтиёридамиз-ку, лекин мен докторларнинг ҳам қўлига тушиб чиқдим.

Афт-башарамга қараб бўлмасди. Ўзимдан ни ма қолганлигини шу пайтгача билмайман. Фақат ўн саккизта врач эллик иккита асистенти билан мени парча-парчалардан одам сиёқига келтиришганини биламан. Жуда қотиришди! Ногирон бўлсам ҳам ёшимни яшашим учун мени нималардан эпақага келтирғанликларини кўрсатувчи ўн тўрт бетлик гувоҳнома олдим.

Ўзимнинг аъзомдан фақат бир бўлак мия, ошқозонимнинг қайси бир бўлаги, ўн беш килограммча эт, бир ярим литр қоним қолибди, қолганлари эса бошқа нарсалардан, ҳатто юрагимга ҳам ҳўкизникидан қўшилган. Бу табобат илмининг буюк тантанаси эди.

Сиртқи кўринишим ҳам ясама эди. Бу ҳам юқоридаги гувоҳномада кўрсатилган. Хуллас, мен медицинанинг турли бўлаклардан янги одам ясаб, мўъжиза яратса олишига ажойиб мисол эдим.

Шифохонадан чиққац, олдин мозорга, касалхоналар кишилар танасининг бўлаклариниң кўмадиган ерга бориб, ўзимнинг аъзоларим ётган гўрни кўрдим. Қейин вокзалга бордим, менинг Дрезденда қылган сайрим бу ажойиб шаҳарга келиб кетган ҳамма туристларнинг саёҳатидан ҳам чўзилиб кетди, деган хаёл билан Прагага жўнадим.

Дечинадаги божхонада бизни роса тинтишди. Австрия божхонасининг ходимлари чамадонларимизни очиб, титкилай бошлаганларида, биттаси мени кўриб қолди. У кўринишмидан ҳайратга тушиб, мени ҳойнаҳой яширинча сахарин олиб ўтадиган одам деб ўйлаган бўлса керак. Чиндан ҳам абжақ қилиб ташланган контрабандистга ўхшардим.

— Чамадонингизни кўтаринг,— деди менга чиновник,— анови одам билан идорага киринг.

Идорада чамадонимни очиб, буюмларим ичидан шубҳали нарса топишолмади, лекин бошқа қоғозлар ичидан Дрездендаги касалхонадан берилган, ўн саккизта профессор ҳамда эллик иккита асистент қўл қўйган гувоҳномани кўриб қолишиди.

— Биродар,— деди менга чиновник гувоҳномани кўриб,— тепадаги бошлиғимизнинг олдинга чиқинг. Бўлмаса сизни Австрияга қўя олмаймиз.

Божхонанинг бошлиғи, басавлат киши, ўз ишини жуда яхши биларкан. У гувоҳномани ўқиб бундай деди:

— Биринчидан, бу ҳужжатда кўрсатилишича, орқа мия суягингиз ўрнига кумуш пластинка қўйилган экан. Бу кумушнинг пробаси йўқ, шу-

нинг учун сиз божхона инструкциясининг олтинчи ва саккизинчи тарифи, тўқиз юз қирқ олтинчи параграфига биноан бир юз йигирма грамм кумушга ўн икки крон штраф тўлашингиз керак, сиз тамғасиз кумушни яширинча олиб ўтмоқчи бўлгансиз, демак, уч баробар ортиқ штраф тўлайсиз, яъни ўттиз олти крон тўлайсиз. Бундан ташқари бир юз йигирма грамм кумушга бож ҳақи берасиз (в, f ва g литерлар). Минг тўқиз юз иккинчи йилдаги халқаро битимга биноан граммига ўн геллердан, яъни юз йигирма граммига ўн икки крон олинади.

Иннайкейин, чап сонингизга от суяги қўйилган. Буни тирик ҳайвонлар суягини яширинча олиб ўтиш деб ҳисоблаймиз. Демак, дўстим, сиз бу билан Австрияning суяк савдосига путур етказасиз.

Қайси мақсадда сиз хорижий от суягини танангизда олиб юрибсиз? Юриш учунми? Ундей бўлса қарорга от суягидан даромад олади деб ёзиб қўямиз. Қайсарлик қилмаганингиз яхши, жаноб.

Даромад — яхши нарса, лекин шу топда бундан сизга наф йўқ, чунки Австрияга яширинча от суягини олиб ўтилаётганлигини билиб қолсак, биз катта бож оламиз. Бунинг учун йигирма тўрт крон тўлайсиз.

Кейин хатда, учта қовурғангиз ўрнига платина сими қўйилганлиги тўғрисида маълумот бор. Сиз Австрияга платина олиб ўтмоқчимисиз? Бунинг оқибати нима бўлишини биласизми? Уч юз баробар ортиқ штраф солинади. Агар бу симларнинг оғирлиги йигирма грамм келса, бир минг олти юз беш крон штраф олинади. Енгилтаклик билан қилинган жиноят мана нималарга олиб келади!

Мановини қаранг-а! Бў ерда, сизнинг буйрак-

ларингиздан бири, яъни чапдагисининг ўрнига чўчқаники қўйилганлиги айтилади.

Жаноб, Австрияга четдан чўчқа олиб келиш ман қилинган. Бу чўчқанинг айрим аъзоларини олиб ўтишга ҳам тааллуқли, шунинг учун, Чехияга қайтишни истасангиз, буйрагингизни Германияга ташлаб кетинг.

Мен бунга рози бўлмадим, шунинг учун ҳам ўн ийлдан бери Саксонияда ўтирибман. Аграрчилар, мен ўзим ҳам аграрчиларданман, Австрияга қачон чўчқа олиб ўтишга рухсат беришаркан деб кутмоқдаман. Ўшанда ватанимга қайтиб бораман.



ҚУРОЛСИЗЛАНИШ ҚОНФЕРЕНЦИЯСИ

Қуролсизланиш конференциясининг раиси чўлоқ Томас Гаукинс мажлисбозликдан бир оз холи бўлиб, Сан-Франциско қирғофида тебраниб, уни кутиб турган яхтага тушиб, Тинч океан тўлқинларида бир оз сайд қилишга жазм этди. Чунки, конференция иши фавқулодда бўлиниб қолган эди.

Делегатларни даволовчи врачлар уларнинг кўпчилиги уст-устига берилган зиёфатлардан кейин юрак дам бўлиш, хафақон, бош оғриги ва овқатни ҳазм қилолмаслик касалликларига мубтало бўлганини аниқлашди. Ҳар бир зиёфатдан кейин конференция қатнашчиларининг каллалари қовоқ бўлиб қолар, эртасига, кечқурунги мажлислар тўғрисидаги ҳисботни ўқиб, роса сафсатабозлик қилишганига ҳайрон қолишарди.

Бир куни зиёфатдан мажлисга кетаётганларида, «Ичкиликбозликка қарши иттифоқ» съездидан қайтиб келаётган қандайдир бир профессор уларга илакишиб қолди. У бир бало қилиб сўз олиб, минбарга чиқди, минбарни маҳкам ушлаб, шамолда тебранаётган қўриқчидек ликиллаб, Липар тизма оролларида 1773 йилда рўй берган вулқон тўғрисида роса уч соат гапириб, конфе-

ренция қатнашчиларининг миясини қоқиб қўлига берди.

Нутқ тугай деб қолгандағина тингловчилар унинг ноўрин гапираётганини, нутқининг конференция мақсадлариға алоқаси йўқлигини фаҳмлаб қолишиди. Соқчилар профессорга ташланишиди, тихирлик қилмасин деб бошига таёқ билан бир тушириб, кимлигини билиш ҳамда биринчи ёрдам кўрсатиш учун уни полиция идорасига жўнатишиди.

Кун сайин ақлдан озаётганлигини сезган конференция қатнашчиларини бу жуда ташвишга солди.

Кейинги кечки мажлис тўғрисида газетада босилган ҳисоботда ҳам бу ҳол қайд этилди. Ҳисоботда бундай дейилган эди:

«... § 26. Ҳақиқатан ҳам Хитойда дредноут ва линкорларнинг йўқлигини назарда тутиб, қуролсизланиш конференциясида қатнашаётган давлатлар Хитойнинг қуролланиш соҳасида мазкур давлатларга етиб олишини кўзлаб, ҳарбий харжатлар учун Хитойга уч йиллик муддат билан 300 миллиард сўм ижарасиз қарз бериш зарур деб топилсин.

Ўз навбатида Хитой мана шу уч йил ичидагиркта дредноут ва биринчи даражали ўттизта линкор қуриш, эскириб кетган мавжуд бешта крейсерни йўқ қилиш ва Кантон портини халқаро комиссия назоратига топшириш мажбуриятини олади. Бу ёқдан конференцияда қатнашаётган давлатлар Хитой ҳарбий флоти вакилининг учинчи Симплон туннели қурилишида, шунингдек Аарат чўққисига телефон станцияси қурилишида иштирок этишига рухсат беради...»

Буни ўқиб, ҳамма ваҳимага тушди. Конференция раиси Томас Гаукинснинг кайфи тарқаб кет-

ди. У газетада айтилганларнинг тўғрилигига шубҳа қилиб, мажлис стенограммасини талаб этди. Ўзи таклиф этган қарор аслини кўриб, оз бўлмаса хушини йўқотаёзди. Фақат делегат Вудворт:

«Шунинг билан баробар, негрлар республикаси Либерияга бешта сув ости кемаси қуришга рухсат этилади, лекин буларни қора рангга бўяш шарт» деган кичкина қўшимча киритибди.

Эртаси куни руҳан эзилган Томас Гаукинс авзойига мос бўғиқ овозда ҳамкасабаларига мурожаат қилди:

— Муҳтарам жаноблар, конференциямизнинг муваффақиятга эришаётгани шак-шубҳасиз! Биз йигирма олтида таклиф киритдик ва йигирма олтида қарор қабул қилдик. Радиотелеграф бизнинг қарорларимиз тўғрисида оламни хабардор қилмоқда, эртаю кеч бошимиз мажлисдан чиқмаётганини олам билади. Биз кучимизни аямай ишлаяпмиз, лекин амалга оширилмаган ишлар ҳали кўплигини ҳаммамиз тушунамиз. Мана шунинг учун ҳам биз чарчаб қолмаслигимиз керак. Бир ҳўқизнинг териси икки марта шилинмайди. Асабларимиз таранг тортилган. Менинг ўзим ҳам чарчаб қолганимни сезяпман. Кечаю кундуз ўйлаш, жаноблар, ҳазил эмас. Агар соатни ортиқча бураб юборсанг, пружинаси узилиб кетади. Бизнинг миямиз ҳам шунаقا. Биз дам олишимиз, кейинги ишларимизга куч тўплашимиз керак. Мен уч ҳафта дам олишни таклиф қиласман. (Кучли қарсаклар. «Тўрт ҳафта бўлсин!» деган овозлар.)

Қўшни ресторандан мириқиб ичиб келган Перу делегати минбарга чиқади, муштуми билан столни уриб, бўкиради:

— Мени ҳайданг! Ҳайданг мени бу ердан! Масалани овозга қўйишни таклиф этаман! (Югур-

даклар эҳтиётлик билан унинг қўлтиғидан ушлаб секретариат хонасига олиб чиқишишади-да, диванга ётқизишади.)

Раисга эътиroz билдириш учун Боливия делегати Хуарес ди Вего сўз олади. Қуролсизланиш конференцияси сессиясининг бошланишидаёқ у ўз ҳукуматининг хоҳишини — мамлакатидаги қуролли кучларнинг сонини бир меёрда сақлашни баён этган эди. Бу кучлар қўриқчилик қилувчи ва президент саройида тартибни сақловчи ўн икки кишидан иборат эди. Аммо музокаралар пайтида конференция унинг эътиrozларига қулоқ солмади ва Боливия армиясини 12 дан 120 минггача кўпайтириш тўғрисида қарор чиқарди, чунки қўшни Чили ва Перу республикаларининг армияси шунча эди. Уруш бўлиб қолса, Боливия хавф остида қолади, 12 киши душманнинг 120 минглик армиясига қаршилик кўрсатолмайди. Шунинг учун ҳам Боливиянинг қуролли кучлари қўшниларининг кучи билан тенг бўлиши керак.

— Ҳурматли мажлис,— ҳаяжонланиб сўзларди боливиялик делегат,— худди шу бугун ўз ҳукуматимнинг меморандумини олдим, унда эътиборли қарорингизнинг бемаънилиги кўрсатилади. Боливияда ҳаммаси бўлиб 80 мингга яқин эркак бор. Сиз бўлсангиз армия 120 минг кишидан иборат бўлсин дейсиз! Нима, биз ўзимизни бўлиб кўпайишимиз керакми? Ёки бошқа ердан яна қирқ минг кишини қарз олайликми? Ахир конференция қарорларидан бирида қўшни мамлакатлардан солдат ёллаш ман этилиши ёзилган-ку. Тўғри, бизга уч йиллик муддат берилган, лекин ҳар қанча уринсанг ҳам аҳолининг сонини бунчалик тез кўпайтириб бўлмайди. Мен, жаноблар, ҳисобни яхши биламан ва...

— Бу ёлғон!— унинг сўзини бўлди Чилидан

келган делегат.— Энциклопедик луғатни келтириң!

Фала-ғовур бошланди. Раис құнғироқ чалади. Боливия делегатини гапдан түхтатиб қўядилар. Секретарь энциклопедияни олиб келгани кетади.

Раис гангиб, мажлисга мурожаат қиласди:

— Жаноблар, сиз ноўрин ва бемаъни ҳаракатнинг шоҳиди бўлдингиз. Ранжиганимни ифодалашга сўз тополмайман...

Секретарь қайтиб келиб, сўз олади.

— Жаноблар, Боливия энциклопедияда йўқ...

Боливиялик делегат докадек оқариб ўрнидан туради:

— Ҳурматли мажлис! Бу қандай гап? Икки миллион қирқ тўрт минг квадрат километр...

Раис унинг сўзини бўлиб, секретарга давом этавер деган ишора қиласди.

— ...Модомики Боливия тўғрисида унда бир йўл ҳам ёзилмаган экан, биз ҳам ўн иккита солдати бўлган қандайдир шубҳали делегатни тан олмаймиз. (Залда кулги.) Ундан мандатни тортиб олиб, конференциядан чиқариб юборишни таклиф этаман. («Орамизга суқилиб кирибди!» деган овозлар.) Мана шу қайғули жанжал, жаноблар, қуролсизланиш конференцияси жуда кўп қийинчиликларга дуч келаётганига ёрқин мисол бўла олади. Биз бу ерда майнабозлик қилмай, жиддий ишлаётганимизни оламдагиларга исбот қилиш қийин.

Сигара тишлиб данг қотиб ухлаб қолган қандайдир бир конференция аъзосини ҳисобга олмаганда, боливиялик делегатни ҳайдашга ҳамма овоз берди. Шу пайтда сигара кулга айланиб, унинг сассифига делегатнинг нафаси қайтиб уйғониб кетди-да:

— Мен қаршиман!— деб қичқирди.

У энди ўрнига ўтирганида даҳшатли портлашдан паркетнинг бир қисми шифтга учиб кетди. Катта ўпирилган полдан пастки қават кўринди. Бинонинг сувоги гурсиллаб тушди, конференция делегатлари пастга уриб кетишди. Тутун ва чанг-тўзон босилгандан кейин, уларнинг кўзи раис Гаукинсга тушди. У шифтдаги лампа осадиган илгакка шимидан илиниб осилиб қолибди. У, гўё сузмоқчи бўлаётгандек, оёқ-қўлларини ликиллатар, француз тилида «Ё худо! Худойим-ей!» деб оҳ уради.

Ҳукмдорлар бу анархистларнинг иши эмасмикин деб шубҳа қилишди. Аммо текшириш натижасида бу портлашда сиёсий мақсад йўқлиги аниқланди. Гап бундоқ экан, биринчи қаватдаги қабулхонада динамит фабрикасининг вакили қуролсизланиш конференцияси делегатларидан кимларнидир кутиб турган экан. У буларга «Вашингтонит» деб аталган янги, жуда кучли портловчи моддани тавсия этмоқчи эди. У гугурт олмоқчи бўлганида қўлига намуналар солинган қутича чиқиб қолиб, уни беихтиёр тушириб юборди-да...

* * *

Шундан кейин Томас Гаукинснинг Тинч океанда сайр қилмоқчи бўлгани бежиз эмас-да.



ЧҮЧҚА БОЛАСИ ҚСАВРИҚ ВОҚЕАСИ

Чүчқа бола Қсаврикка крахмалдан тайёрланған қиёмни аталаб беришарди. Чүчқаларни боқиши соҳасида энг мұътабар киши, илмий маслаҳатчи профессор Қсаверий Келлер шарафига унга Қсаврик деб нөм қўйишиди. Қуидаги чуқур мазмунли сатрларни ўша киши ёзган:

«Менинг ҳар томонлама текширишимга кўра, крахмалдан тайёрланған қиёмнинг афзаллигини ҳисобга олиб, бу ажойиб тўйимли овқатга тенглаша оладиган бошқа бирорта ем йўқлигини тайолишга тўғри келади...»

Бўрдоқи Қсаврик бунга яққол далил бўла оларди. У крахмал қиёмидан тайёрланған тертни ёрилгудай еб, устидан сут ичар, кундан-кунга семирар, ажойиб оғилхонанинг шинам бир бурчагида кўзини мўлтиллатиб ётарди. Чүчқа боладан хўжайин граф Рамм тез-тез хабар олиб турарди. Жаноби Раммнинг катта ери ва бир нечта чорвачилик фермаси бор эди. У чўчқа болага завқ билан қараб: «Виставкага борасиз, болахон. Шарманда бўлмаслик учун иштаҳангизни карнай қилиб, семираверинг...» дерди.

Баъзан унинг рафиқаси — графиня ҳам кириб турарди.

— Оҳ, бизнинг бебаҳо Қсавригимиз тана қўйиб, чиройли бўлиб кетибди-я! — дерди у шодликдан кўзларини чарақлатиб. Иккалови чиқиб кетаётганида:

— Қадрдоним Қсаврик, тинч ухлаб, яхши тушлар кўринг! — дейишарди.

Бўрдоқи Қсаврик кўзларини жавдиратиб, шундай ёқимли хур-хурлардики, баъзан графиня эрига:

— Биласанми, азизим, мен Қсаврикнинг овозини эшитганимда, одамларнинг ароҳи чўчқаларга ўтади деган гапга ишона бошлайман, — дерди.

Меҳмонлар ҳам кириб кўришарди. Француз, немис, инглиз тилларида улар чўчқа боласини мақташар, эсадалик учун суратга олишарди. Чўчқа боласи худди ҳаммомдан чиқсан боладек қип-қизил, бўйнида бежирим боғланган катта духоба бант бор эди.

Эр хотин Раммларнинг дўстлари ва меҳмонлари — катта ер эгалари ҳамда амалдорлар:

— Қадрдон граф, сизнинг Қсавригингиз шубҳасиз биринчи мукофот олади, — дейишарди ишонч билан.

Рамм хонимнинг туғилган кунига меҳрибон эри бир талай тортиқлар билан бирга Қсаврикни ҳам ҳадя қилди. Энди Қсаврик тамоман хонимнинг ихтиёрига ўтди. Бунинг суюнчисига Раммга қизғин бўса тегди.

Шу кундан бошлаб Қсаврик графинянинг ихтиёрига ўтди, унга ғамхўрлик уч баробар ортди. Уни бошқа, кенг, ҳавоси тоза хонага ўтказишид, унга жаноби Раммнинг дидига мос барча қулай-

ликлари бўлган алоҳида ванна ажратишди. Ҳамма ерга термометр осиб қўйишиди. Қсаврикка бериладиган сув ва сутнинг иссиғини ўлчаб туриш чўчқабоқар Мартинга топширилди. Иссиқлик дара жасини мол доктор қатъий белгилаб берди. Мўътабар чўчқа боланинг қорни шамоллаб қолса яхши эмас-да. Чўчқа боланинг қорни оғриса мазаси қочиб, маюс тортиб қолиши мумкин, бундан гравинянинг кўнгли ранжийди.

Чўчқабоқар Мартин доимо бериладиган атала-нинг ҳароратини ўлчаб, керак бўлса уни иситар ёки совитар эди.

Ниҳоят, Қсаврик ётадиган жойга электр чироқ олиб келишиди, уни тўшакда ётишга ўргатишиди. дезинфекция қилинган тўшакда, албатта.

Чўчқа бола булардан хурсанд бўлиб, кундан-кунга семираверди.

Бир куни эрталаб эр-хотин Раммлар арзандасини кўргани кирди. Шу пайтда бўрдоқи ажойиб булоқ суви ичаётган эди. Бактериологик анализ сувнинг юқумли бактериялардан тамоман тоза эканлигини, кимёвий анализи эса, фойдали минерал тузларнинг борлигини кўрсатиб турарди. Граф сувга беихтиёр термометр солиб кўрган эди, кўзларига ишонмади. Сувнинг иссиқлиги Цельсий бўйича белгиланган 18° ўрнига $17,5^{\circ}$ эди.

Рамм хонимнинг ранги оқариб кетди.

— Бу қандай гап. Наҳотки, ярамас чўчқабоқар сувнинг иссиқлигини ўлчамаган бўлса?

Бу аҳволда шамоллаб қоласан, деб иккалови чўчқа болани зўрға сувдан ажратишди. Кейин идишнинг қопқоғини ёпиб, чўчқабоқарнинг хонасига ғазаб билан киришди:

— Сувнинг иссиқлигини ўлчаганмидинг, танбал? — бақирди жаноби Рамм.

Мартин дераза ёнидаги ўринга ишора қилди.

— Жаноби олийлари, ўғлим касал бўлиб қолди. Иссиғи баланд, ёнида сув бериб ўтирибман.

— Пасткаш! Қсаврикнинг сувини текширганидинг, деб сўраяпман сендан?

— Ёдимдан кўтарилибди, жаноби олийлари. Боламнинг дарди оғир. Унга сув бериб турдим — гангираб қолдим...

— Ҳали шундайми? — қичқирди ғазаб билан Рамм.— Вазифангни шундай адо этяпсанми? Сен хоҳлаганингни қиласиган бўлсанг, демак мен бу ерда хўжайин эмас эканман-да. Йў-ўқ! Ҳозироқ ашқол-дашқолингни кўтар, мен сени бўшатдим! Кечқурунгача қорангни ўчир, бўлмаса иккалувингни улоқтириб ташлатаман!

— Вой ярамас-ей! — деди Рамм хоним.

Кечқурун Мартин чўчқа Қсаврикни сўйиб қўйди. Югуриб келган мол доктори унинг ўлганини тасдиқлади. Рамм хоним бу даҳшатга чидай олмай, беҳуш ётарди. Чўчқабоқар Мартинни полиция олиб кетди, қотилнинг касал ўғли эса бу даргоҳдан улоқтириб ташланди.

Газеталарда хабарлар пайдо бўлди:

«Қабиҳ жиноят. Қатта ер эгаси машҳур граф Рамм чўчқабоқар Мартинни ношудлиги учун ишдан ҳайдаб юборди. У қасос олиш мақсадида энг зотдор чўчқани сўйди. Жиноятчи қамоқقا олинди. У динсиз деган гаплар бор. Бу, худосизларнинг қўлидан ҳар қандай ёмонлик келишини яна бир бор исботлайди...»

Тергов тугагунча Мартин уч ой қамоқда ётди. У ҳеч кимга аралашмади, қамоқдаги ибодатхонага қатнамади. Шу даврда терговчи унинг шаънига тушган қора доғларни аниқлади. Ўн беш йил олдин жамоат тартибини бузганлиги учун икки

ҳафта қамалиб чиқибди: кўпчиликнинг орасида турганида полиция назоратчисининг тарқалинг, деб айтган гапига қулоқ солмаган экан. Бу—нияти бузуқлик, қайсарликнинг белгиси. Иккинчи марта полицияга: «Ҳой хўрозлар!» деб қичқириб, ҳақорат қилгани учун уч кун ўтириб чиққан экан. Бу ҳам ёвуз қасоскорлик белгиси.

Турган гапки, қораловчи бу тафсилотлардан тўла фойдаланди. Мартиннинг бутун ўтмиши жиноятдан иборатлигини у қайд қилиб ўтди. Агар, худо кўрсатмасин, жиноятчининг қони қайнаб турганида граф дуч келиб қолса борми, уни ҳам чўчқадек сўйиб ташлаган бўларди, деди қораловчи.

Оқловчининг вазифаси оғир эди: жиноятчи нинг ўтмишини тилга олмасдан бўлмасди, касал бола бўлса— масаладан анча узоқ, йўл-йўлакай айтиб ўтиладиган гап.

Рамм хонимга одамнинг раҳми келарди. У гувоҳ тариқасида қатнашмоқда эди, судья столида энли духоба лентани кўрганида кўз ёшини тия олмади.

— Ҳа,— у раиснинг сўроғига йиғлаб жавоб берди,— бу лентани танияпман. У бебаҳо Қсавригимники эди, унинг суяклари гулзоримиизда, сапсар гулнинг соясида ётибди.

Жиноятчи сира ҳам афсус чекмай айбига иқорор бўлди, бирорнинг мулкини қасдан нобуд қилганилиги учун олти ой қамоққа ҳукм қилинди. Лекин бундан бошқа гап ҳам бор. Ҳақ-таолонинг ёзмиши амалга ошиб, бу давр ичидаги Мартиннинг ўғли оламдан ўтди, чунки қудратли илоҳийнинг қўли аста, лекин бехато жазо беради.

Бўрдоқи Қсаврик оқ нилуфарлар орасида, қуйидаги сўзлар ёзилган ёдгорлик остида тинч ётарди:

«Бу ерда олтиой қамоққа ҳукм қилинган қотил Мартин қўлида ҳалок бўлган бизнинг Ксавригимиз ётибди. 1907 йил 8 майда, бир ярим ёшида дафн қилинди. Илоҳим ер унинг биқинига ботмасин».

Зотдор Ксаврикнинг лентасидан эса жаноби Рамм ўзига галстук буюртирди. Уни ҳар йили унтуилмас бўрдоқи чўчқа ўлган куни тақади.



ЁВФОН ШҮРВА

Князь Роберт жуда одамшаванда бир киши эди. Кунлардан бир куни унинг хотамтойлиги тутиб кетиб, қўшни қишлоқдаги камбағал болаларни «Ёвфон шўрва» билан боқиб туриш хаёлига келиб қолди. Шунинг учун чиқимларнинг юзига бормасдан, князь маҳсус павильон қуришга буйруқ берди ҳамда Венадан кўчма кухня олдирди.

Кухня келганда княгиня тиз чўкиб бу ишдан воз кечишни эридан илтимос қилди. Лекин князъ йўқ деб туриб олди.

— Бас қилинг, княгиня! — деди у. — Бучувриндиларга картошка шўрвани ўзим пишириб бераман.

Княгиняниң акаси граф Манхард ҳам, олий зотга овқат пишириш ярашмайди, деб күёвини қайтаришга уриниб кўрди, лекин князъ, бу иш билан ўзим шуғулланаман, агар ким тўскянлик қиласидиган бўлса, адабини бераман, деб бақирди. Шундан ҳам кўриниб турибдики, князъ Роберт фақат хотамтойгина эмас, анча жаҳли тез ҳам эди.

Кунларнинг бирида павильон ҳамда кухняни игна баргли дараҳтлар шохидан ясалган чамбарлар, байроқчалар, ранги икки хил ленталар билан безатишди, эшикларга: «Оллоҳга шукур қиласиз!» деган сўзларни ёзиб қўйишиди. Фрак ҳамда цилиндр кийган эшик оғаси, князъ Робертнинг ҳишига биноан ўчоқнинг олдида ўтии қалаб турарди.

Князнинг ўзи сабрсизлик билан деразадан қараб турарди. Эшик оғаси бошидан цилиндрини олса, сувнинг қайнаганилигига ишора бўларди, шунда жаноб олийлари бориб, картошка артишлари керак эди. Бу ҳам князнинг иш тартибида кўрсатилган эди.

Мана у ниҳоят қасрдан чиқиб, улуғворлик билан кўчма кухняли павильонга йўл олди. Болалар бекорчиликдан бурнини кавлаб туришарди, оқсоқол бўлса муштини ишга солиб, уларда князга муносиб ҳурмат уйғотарди.

Оқсоқол маросимларнинг тартибини биларди. У князни олқишилаб, «ура» деб қичқириш учун ўқувчиларга ишора қилди, ҳаммасининг башараси тозамикан деб қараб чиқди, кейин қишлоқ миршаби Пазурекка кўз қисиб қўйди. Пазурек битта тўпнинг пилигига ўт қўйди-да, югуриб иккинчисига ўтди. Иккала тўп гумбурлаб кетди, князъ қуюқ тутун ичидан чиқиб олишга шошилди. Болалар қулоқни кар қилгудек бақиришиди. Князъ лутфан уларга қўл силкиб, кўчма кухня ёнига ўтирди. Иккита хизматкор унинг қўлига картошка тутқазишиди. Князъ оқ қўлқоп кийган қўллари билан картошкани олиб, уни арчиди-да, қайнаб турган сувга ташлади. Болаларнинг қувноқ ҳайқириғи ҳавони янгратди. (Тағин ҳам уларнинг овози сал бўғилиб қолган эди.) Жаноб олийлари иккинчи картошкани арта бошлидилар. У

ҳам қозонга тушди. Болалар севинчдан яна қий-қиришди. Князь Роберт ўрнидан туриб, гап бошлиди:

— Бу болажонлар... Сизга катта шодлик. Сиз шўрва еб, суюнади, мен ўзим сизни пиширади... Эсингизда бўлсин, мен сизга худди туққан она... Мен сизни... ўзим пиширади...

Бундай назокатли гаплардан болалар хурсанд бўлиб баробар қийқиришди.

— Бугун бўлади тарихий воқеа, ўзим пиширади,— улуғворлик билан давом этди князь,— еяверинглар, болажонлар, ҳам-ҳам қилинг... Шу жуда ширин шўрва. Мен сизнинг ошпаз, ўзим картошка артган. Менга худо шукур қилинг...

Кейин йигирма уч боланинг ҳар бирига жаноб олийлари бир крондан пул бердилар, оқсоқолга эса, князь ифлос бўлган қўлқопини қўлидан ечиб бера туриб бундай деди:

— Бу сизга, улуғ, менинг биринчи шўрва хотира. Сиз ҳам мени худо шукур қилинг.

Шундан кейин норғул форейтор¹ князга отни рўпара қилди, жаноб олийлари ўзининг ов қиласидиган ерига сайд этгани жўнади, хизматкорлар ва камергер² дабдаба билан қасрга йўл олишиди.

Оқсоқол қўлқопни чўнтағига солди-да, жулдур болаларга, кейин қишлоқ миршаби Пазурекка қараб қўйди, чўнтағидан қўлқопни яна олиб, унга эси оғиб тикилди-да, ниҳоят қишлоқ элликбошиси Вержинага мурожаат қилди:

¹ Икки-иккитадан қилиб кетма-кет қўшилган отларнинг олдингиларидан бирини миниб борувчи извошли.

² Баъзи монархияли давлатларда сарой аҳлларига бериладиган унвонлардан бири.

— Хўп, майли, бу чурвақаларга шўрвани ким пишириб беради?

— Пазурек пиширади, болалар картошкани арчиб бериншади,—деди у.

— Пазурек, шўрвани пиширишни сизга топшираман. Қизлар, сизлар картошкани арчиб беринглар.

Шундан кейин улар болаларни миршабга ташлаб кетишли.

Кун жуда исиб кетди, тоқати тугаган миршаб кўзларини олайтириб, болаларга дўқ урди:

— Мен сен чурвақаларга текин томоқ ейишни кўрсатиб қўяман.

Лекин иложи йўқ эди, у трубкасини чекиб, чиниқкан солдат каби моҳирлик билан шўрвага майда-чуйда тайёрлай бошлади. Бу орада қизлар картошкани арчиб бўлиши, Пазурек енги билан пешонасидаги терни артиб, қозонни кавлай бошлади.

Бирдан унинг миясига ажойиб фикр келди. Ишини тўхтатиб, павильон олдидағи ўтлоқда ўйнаётган болалағга қаради-да:

— Карел Малина, бу ёқقا кел!— деб қичқирди.

Карел ҳеч нарсадан хавотир олмай, Пазурек нинг олдига келди.

— Муттаҳам бола!— қичқирди унга Пазурек.— Кеча ёнғоқзорда нима иш қилдинг? Бунинг учун штраф олинишини билмайсанми? Ҳалиги олган бир крон пулни чўз-да, уканг Пепикни чақир. Пепик, ярамас бола, аканг Карел ёнғоқ ўғирлагани учун қамалиши керак. Сен княздан бир крон олдинг, қани ўшани бу ёқقا чўз! Бундай сахий князни етказган олло таолога шукур қилинглар, ифлослар. Бўлмаса сиз учун ким штраф тўлаб ўтиради. қаланғилар? Икки крон штрафга ета-

ди-ю туради. Агар иккинчи марта ёнғоқзорда кўриб қолсам, саройга қамайман-да, иштонингизни ечиб, роса савалайман. Ўғирлик қилиш, болалар, гуноҳ! Лекин бу сафарча мен сизларни кечираман. Пепик, сен менга ароқ олиб келасан, Карел бўлса шўрвани шопириб туради.

Пазурек ўтнинг устига ёнбошлади. Кўп ўтмай Пепик ароқ олиб келди. Пазурек уни отиб олиб, атрофига болаларни тўплади-да, бошлиқларни ҳурмат қилиш тўғрисида сидқидил билан гапира кетди.

— Чунки, худонинг хоҳиши билан бошлиқ бўлади, тушунднингларми, чурвақалар?

Шундан кейин у яна ароқقا юборди.

Қуёш роса қиздиради, Пазурек қўнжи ба-ланд этигини ечиб, узала тушди-да, хиёл ўтмай хуррак ота бошлади. Болалар жанобларининг шўрвалариши кутиб, қароқчи ўйинига берилиб кетишди. Тез орада улар ўрмонга югуриб кетиши-да, овозлари ҳам эшитилмай қолди.

Тушда князъ сайрдан қайтди. Унинг кўзи қа-ровсиз қолган кухия билан кимсасиз павильонга тушди. Қозондан қуюқ буғ чиқиб, шўрванинг би-қирлаши иштаҳа очарди. Князъ яқин келганида қозонда.. мишло Пазурекнинг этиги қайнаётганни кўрди. Князъ уни боплаб тепиб уйғотди, чун-ки жаноб олийлари фақат хотамтойгина эмас, баджаҳл ҳам эди.

Тепа ён бағридаги буталар орқасида эса ака-ука Малиналар пиқирлашиб, ажойиб ҳодисани томоша қилиб туришарди. Улар ўзларини ишла-ган расми биринчи мукофотга сазовор бўлган рассомлар каби ҳис қилишарди. Бу томоша қўл-дан кетган икки кронанинг ўрнини босарди.

Жаноб олийлари шу заҳоти «камбағал шўр-ва»дан ихлоси қайтиб, чиройли павильонни йиғиши-

тиришга буйруқ берди. Унииг қайнағаси граф Манхард (бу ҳам одамшавандалардан) бир куни ўрмонда Пазурекка дуч келганида, биринчи ва охирги шўрвани қандай пиширганини сўради.

— Асти сўраманг, жаноб олийлари,— деди соддалик билан Пазурек.— Жуда расво бўлди. Шундай бир қўланса ҳид таралдики, авлиёси ҳам чидаб туролмайди...



ТУРМУШДАН НАМУНА

(Америка юмори)

— Йўқ, бўлмайди, овора бўлмай қўя қолинг, навқирон дўстим,—деди банкир Вильямс рўпарасида стулнинг суянчигига оёғини қўйиб ўтирган йигитга.— Бунга йўл қўймайман, жаноби Чейвин! Гапимни диққат билан тинглаб, уқиб олинг.

Сиз қизим Лоттага уйланмоқчисиз. Менга куёв бўлишни орзу қилаётганга ўхшайсиз. Кейин менга меросхўр бўлмоқчисиз. Бундан бир минут олдин, мол-мулкингиз кўпми деб сўраганимда, иккни юз доллар даромадим бор деб айтдингиз.

Жаноби Вильямс олдида турган столга оёғини қўйиб, гапида давом этди:

— Эҳтимол, бир вақтлар менда икки юз доллар ҳам бўлмаганини айтарсиз. Инкор этмайман, лекин ишонтириб айтаманки, сиздек вақтимда анча бадавлат эдим. Чунки, менинг каллам жэйида эди, сизники жойида эмас. Эҳ-а, креслода ўтиролмай қолдингизми?! Қизишмаганингиз маъқул: барзанги хизматчимиз бор-а. Гапларимни диққат билан тинглаб, қулоғингизга қуйиб олинг!

— Ўн олти ёшимда Небраскада¹ турувчи амаким-

¹ АҚШнинг марказий қисмидаги штат.

никига бордим. Пулга жуда ҳам мұхтож әдим, амакимга қарашли ерда бир негрни қатл қилишга ижозат олдим, барибир уни оломон қилиб ўлдиришмоқчи экан.

Амакимнинг ерида қора танлининг жазосини бердик. Томоша қилишни истаганлар пул тұлаб кириши керак әди, чунки қатл қилинадиган жойни девор билан ўраб олган әдик. Негр осиб ўлдирилганидан кейин, мен тушган пулларни олиб, ўша куни кечқуруноқ соғ-саломат жуфтагимни ростлаб қолдим.

Осилган негр менга баҳт келтирди. Унинг орқасида топған пулимга Шимолдан ер сотиб олдим-да, ерни чопаётганимда тилла топиб олдим, деб гап тарқатдим. Бу ерни қимматга сотиб, пулимни банкага қўйдим.

Алданғанлардан бири мени отиб ташламоқчи бўлганини, лекин ўқ ўнг қўлимнинг панжасига тегиб, майиб қилгани учун икки минг доллар товон тўлаганини айтиб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ.

Тузалганимдан кейин ҳамма пулларимга ҳиндлар яшайдиган ерда ибодатхоналар қурмоқчи бўлган жамияти хайрияning акциясини сотиб олдим. Биз юз долларлик фахрий дипломларни тарқатдигу, лекин битта ҳам черков қурганимиз йўқ. Тез орада бу жамият синганлигини эълон қилишга мажбур бўлди. Бу воқеа қиммати тушган акцияларни нархи ошиб бораётган терига олмаштирганимдан роса бир ҳафта кейин бўлди.

Мен кўн заводи қуриб, катта даромад олдим. Чунки, терини нақдга пуллаб, насияга сотиб олардим.

Бойлигимни Қанададаги бир нечта банкага қўйиб, қарзларимни тўлашга қурбим ётмаслигини эълон қилдим. Мени қамоққа олишди, лекин терговда шундай бўлмағур гапларни айтдимки, эксп

Пөртлар мени ақлдан озибди дейишди. Оқловчи-
лар мени оқлаб юбориш билан бирга, суд залида
үтирганлардан менга пул ҳам йигиб беришди.

Бу пул Канадага, бойлигим сақланаётган жой-
га бориб олишимга bemalol етарди.

Бруклинлик миллионер Гамельстнинг қизини
Сан-Францискога олиб қочдим. «Жаноби Га-
мельстнинг қизи никоҳсиз фарзанд кўради» деб
газеталарда шов-шув кўтармоқчи бўлиб, қизнинг
отасини қўрқитдим. У қизини менга беришга маж-
бур бўлди. Кўрдингизми, жаноби Чейвин, сиздек-
лигимда кўп иш қилганман. Сиз бўлсангиз шу
пайтгача эси бутун экан, дейишга арзигудек иш
қилмагансиз!

Қизингиз қайиқда сайр қилиб юриб, денгизга
тушиб кетганида, мен уни қутқаздим, дейсизми?

Жуда соз, лекин сиз бундан нима манфаат
кўрдингиз? Янги ботинкангиз сувда ивиб, расвоси
чиқиб кетди шекилли?

Қизимга бўлган муҳаббатингизга келсак, нима
учун мен бунга чиқимдор бўлишим керак экан.
Бунинг устига, «куёв» бўлмишнинг сариқ чақалик
эси бўлмаса.

Ана, яна креслода безовта бўлиб қолдингиз-
ку. Марҳамат қилиб, тинчланинг, менга чин юрак-
дан жавоб беринг-чи, ҳаётингизда бирор ажойиб
иш қилганмисиз?

- Йўқ.
- Бадавлатмисиз?
- Афсус!
- Қизимга уйланмоқчимисиз?
- Ҳа.
- У сизни севадими?
- Севади.
- Охирги савол: ёнингизда қанча пулингиз
бор?

— Қирқ олти доллар.

— Жуда соз, мен сиз билан ўттиз минутдан ортиқ гаплашдим. Сиз пул топиш йўлини сўраган эдингиз! Пул топиш мана бундай бўлади, сиз менга ўттиз доллар беришингиз керак: минутига бир доллардан.

— Лекин кечирасиз, жаноби Вильямс...— эътиroz билдириди йигит.

— «Кечирасиз-печирасиз» йўқ,— деди киноя билан банкир соатига қараб.— Энди ўттиз бир доллар тўлайсиз: яна бир минут ўтди.

Анқайиб қолган Чейвин талаб қилинган пулни берганида, жаноби Вильямс илтифот билан:

— Энди туёғингизни шиқиллатинг, акс ҳолда ҳайдаттириб юбораман,— деди.

— Қизингиз-чи?— деб сўради йигит эшик олдига боргандা.

— У аҳмоққа тегмайди,— хотиржам жавоб берди мистер.— Жўнаб қолинг, бўлмаса қулоги-нгизнинг тагида шавла қайнатаман.

— Роса куёвга ёлчир эканман-да!— деди жаноби Вильямс қизига Чейвин чиқиб кетгач.— Сенинг бу ошиғинг ўтакетган аҳмоқ экан. Ўлганда ҳам унга ақл кирмайди.

— Менинг у билан турмуш қилишимга сира илож йўқ демоқчимисиз?— деб сўради Лотта андиша билан.

— Бундай аҳволда мутлақо мумкин эмас!— деди қатъий мистер Вильямс.— У бирон йўлини топиб, ишини ўнглаб олмаса, сира иложи йўқ!

Шундан кейин мистер Вильямс амакисининг ерида негрни қандай ўлдирганлигини, миллионер Гамельст билан бўлган жанжалли воқеани қизига ҳам айтиб:

— Танишингга ибратли кўп гапларни айтдим,— деб илова қилди.

Эртасига Вильямс иш билай жўнаб кетди. Бир ҳафтадан кейин қайтиб келганида ёзув столидан бир хат топди, хатнинг мазмуни қуйидагича эди:

«Муҳтарам мистер Вильямс!

Ўтган ҳафта менга берган маслаҳатингиз учун чин юракдан миннатдорман.

Сизнинг қилган ишларингиз мени шунчалик руҳлантириб юбордики, мен қизингиз билан бирга пўлат сандифингиздаги бор пуллар ва қимматли қофозларни олиб, Канадага кетдим.

Хурмат билан Чейвин.»

Унинг пастида эса бундай ёзув бор эди:

«Қимматли дадажон!

Сизнинг розилигингизни сўраймиз ҳамда шуни маълум қиласизки, пўлат сандифингизнинг калитини топа олмаганимиз учун уни нитроглицерин билан портлатдик.

Қизингиз Лотта.»

ЯРОСЛАВ ГАШЕК

Ярослав Гашекнинг ўткир сатирик ҳикояларини, фельетонларини ўқиган киши бу улуғ чех ёзувчинининг маҳоратидан завқланмай қолмайди Гашек 1883 йилда туғилиб, адабий фаолиятини 1900 йиллардан бошлади. У Прага газеталарида репортаж, фельетон, латифалар, кичик ҳажвий ҳикоялар билан қатнашиб туради. Тез орада Гашек катта сиёсий темаларда — Австро-Венгрия империясининг инқирозга юз тутганлиги тўғрисида ўткир сатирик ҳикоялар ёза бошлайди. У ўзининг ҳикояларida тўрачиликни, австрия давлат аппаратининг бағри тошлигини, буржуа жамиятининг қаллоблиги, мунофиқликларини, буржуа ахлоқидаги риёкорликларни фош этади; кучли социал қарама-қаршиликларни, чех халқининг хуқуқсизлигини, руҳонийларнинг кирдикорларини очиб ташлайди.

Хаётнинг икир-чикирларини яхши ўрганиб ёзилган мазмундор, қисқа, ажойиб ҳикояларнинг автори Ярослав Гашек тез орада чех халқига танилади.

Биринчи жаҳон урушида армияга сафарбар этилган Гашек бегона, юракдан ёмон кўрган Австрия империясининг манфаатлари учун жанг қилишга мажбур этилади. У қулай фурсатдан фойдаланиб, русларга асир тушади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Гашек ижодига катта таъсир кўрсатади. У контрреволюция йўлига ўтиб қолган чех легионидан алоқасини узуб, большевиклар партиясига киради. 1920 йилда Прагага қайтиб боргач, у ижодий ишларига берилиб кетади. Шу даврда Гашек чех миллий адабиётининг фахри бўлган «Ўт юрак

солдат Швейкнинг жаҳон уруши даврида бошидан кечирғанлари» номли сатирик романини яратади. Лекин у, бу романини тугата олмади.

Гашек ўлганидан бир йил кейин, яъни 1924 йилда китобнинг бешинчи томи — «Ўт юрак солдат Швейкнинг русларга асир тушгандан кейинги саргузашти»ни Гашек материали асосида унинг яқин ўртоғи чех ёзувчиси Карел Ванек ёзиб тугатди.

Гашек сатирининг ўткир тигини империалистик тартибларга, буржуа давлат аппаратига, динга қарши қаратади. Гашек асарларида воқеаларни ўткир ва маъноли таърифлайди, халқнинг бой тилидан самарали фойдаланади, эксплуататор синфларнинг иллатларини очиб ташлайди, кулгидан ўринли фойдаланади.

Чех буржуа адабиётшунослари ва буржуа тузумининг тарафдорлари Гашекни тан олмадилар. Лекин тарих ўткир сатирачи, халқнинг умид-орзуларини юракдан сеза билган Гашекни бутун дунёга танитди.



МУНДАРИЖА

Мұхтох адібларга нафақа	3
Австрия божхонаси	9
Қуролсизланиш конференцияси	13
Чүчқа боласи Қсаврик воқеаси	19
Евғон шўрва	25
Турмушдан намуна	31

На узбекском языке
ЯРОСЛАВ ГАШЕК
СУП ДЛЯ БЕДНЫХ ДЕТЕЙ

Рассказы


Гослитиздат УзССР—Ташкент—1963

Перевод с издания издательства „Правда“ 1958 года.

Редактор С. Раҳимов
Рассом К. Рудов
Расмлар редактори И. Нирков
Техн. редактор Н. Кирилова
Корректор И. Кобилов

Босмахонага берилди 24/V-1963 й. Босишига
руҳсат этилди 8/VII-1963 й. Формати
84×1081/32, Босма л. 1,25. Шартли босма
л. 2,05. Нашр. л. 1,7. Индекс: б/а. Тиражи
15000. ЎзССР Давлат базиний адабиёт наш-
риёти. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30.
Шартнома № 64/63.

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавизда-
тнининг Ихтиосолаштирилган ҳарф териув
фабрикасида тайёрланган матрицадан 1-бос-
махонасида босилди. Тошкент. Ҳамза к. 21.
Заказ № 1056. Баҳоси 9 т.



Ўзадабийнамр